

## МУҲАРРИР МИНБАРИ



### МУҲТАРАМ ЎҚУВЧИ!

*Журналимизнинг ушбу сони Ўқитувчи ва мураббийлар кuni ҳамда Тил байрами — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун арафасида тайёрланди.*

*Журналимизнинг дастлабки рукнидаги мақолада муаллиф Феруза Рашидова республикадаги академик лицей ўқувчиларининг CEFR талабларига кўра чет тилларни билиш даражаси масалалари ҳақида фикр юритади.*

*Таҳририятимиз меҳмонлари эса республикадаги таниқли инглиз тили ўқитувчиси, Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш республика илмий-амалий маркази директори ўринбосари профессор Мираббос Ирисқулов.*

*Кейинги меҳмонимиз Жанубий Кореялик профессор В. Сол мамлакатимизда таълим тизими, хусусан чет тилларини ўқитиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги таассуротлари билан ўртоқлашди ҳамда икки давлат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида тўхталди.*

*Таҳририятимизнинг яна бир меҳмони — етук олим, моҳир таржимон Иброҳим Ғафуров. Умид қиламизки, олимнинг бой ижод маҳорати, замонавий адабий жараёнлар ҳақидаги дурдона фикрлари билан танишиш ўқувчиларда жиддий қизиқиш уйғотади.*

*Фикримизча, журналимизнинг мазкур сонида Э. Малютина, А. Жўрев, М. Ирисқулов, Ф. Мўминов, Я. Славик каби мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатлардаги таниқли тилишунос олимларнинг мақолалари ўқувчилар эътизборини ўзига тортади.*

*Сизга фойдали ва ёқимли мутолаа тилаймиз!*

A handwritten signature in black ink, appearing to read 'Elza Ruzmurodova'.

**Ҳурмат билан  
Бош муҳаррир.**